

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/04.03.2022.Tib.95.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОТИРОВ ФАРХОД КОДИРОВИЧ

**ТИЗЗА БЎҒИМИНИНГ ҚЎШМА ЖАРОҲАТЛАРИДА
АСОРАТЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКА ДАСТУРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.43 – Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ботиров Фарход Кодирович

Тизза бўғимининг кўшма жароҳатларида асоратларнинг
профилактика дастурини такомиллаштириш..... 3

Ботиров Фарход Кодирович

Совершенствование программы профилактики осложнений
сочетанных травм коленного сустава..... 31

Botirov Farkhod Kodirovich

Enhancement of the program for preventing complications of associated
injuries of the knee joint..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 66

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/04.03.2022.Tib.95.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОТИРОВ ФАРХОД КОДИРОВИЧ

**ТИЗЗА БЎҒИМИНИНГ ҚЎШМА ЖАРОҲАТЛАРИДА
АСОРАТЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКА ДАСТУРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.43 – Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Tib2460-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарканд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мавлянова Зилола Фархадовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Рустамова Мамлакат Тулабаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Потапчук Алла Асколдовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Санкт-Петербург давлат педиатрия медицина университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/04.03.2022.Tib.95.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «20» апрели соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел./факс: (+998) 74-223-94-50, e-mail: info@adti.u)

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (29 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел.: (+998) 74-223-94-50

Диссертация автореферати 2024 йил «09» 04 кунни таркатилди.

(2024 йил «09» 04 даги 29 рақамли реестр баённомаси).



Х.Х. Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.З. Мамарасулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

З.С. Салахиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг асосий мақсад ва вазифалари соғлом ёш авлодни тарбиялаш, халқ ўйинлари ва спортни дунё миқёсида тарғиб қилиш ва ривожлантириш, жамият қуриш амалиёти билан жисмоний тарбиянинг органик бирлигига эришишдир. Спорт ассоциацияси миллий коллежи (NCAA) томонидан ўтказилган 16 йиллик тадқиқотга кўра «...спорт ҳисоботларида 182000 дан ортиқ жароҳатлар қайд этилган, жароҳатлар сони машғулотларга қараганда мусобақада кўпроқ эди»¹. Спорт жуда фаол тадбир бўлиб, ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга, шунинг учун спорт фаолияти жамият, айниқса ёш авлод саломатлигининг физиологик, психологик ва ижтимоий асосларини ривожлантиришга ёрдам беради. Шу муносабат билан, спорт жароҳатлари туфайли юзага келадиган, спортчининг «катта» спорт турларидан воз кечишига олиб келиб, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимининг ҳаддан ташқари юкланиши ва глобал миқёсда кейинги йирик иқтисодий йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган оқибатлар ва асоратлар, касалликлар ва спортчиларнинг ҳаёт сифатининг пасайишининг профилактикаси ва камайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш масалалари, шубҳасиз, очик ва долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда олиб борилаётган илмий тадқиқотларда замонавий спорт тиббиёти ва травматология нуқтаи назаридан спорт амалиётининг салбий томони турли хил травматизация турлари эканлиги кўрсатилган. Спорт жароҳатлари спортчининг келажакдаги тақдири ва мартабасини ўсишига таъсир қилувчи муҳим сабаб омили сифатида қаралади, баъзида жиддий оқибатлар ва асоратларнинг ривожланиши туфайли унинг яқунланишига сабаб бўлади. Жисмоний реабилитациянинг турли усулларидадан фойдаланган ҳолда тизза жароҳатлари учун тикловчи терапиянинг самарали моделларини излаш ишлари олиб борилмоқда. Бироқ, қўлланиладиган терапевтик ва тикловчи терапиянинг бир қатор усулларининг самарадорлигига қарамай, жароҳат туфайли кўпинча турли хил асоратлар ривожланади, бу шубҳасиз спортчиларнинг жисмоний кўрсаткичлари ва ҳаёт сифатига таъсир қилади. Буларнинг барчаси спортчиларни тайёрлаш жараёнида иштирок этадиган барча мутахассислар учун зарур ва долзарб бўлган жароҳатлар ва уларнинг мумкин бўлган оқибатларини олдини олишнинг мавжуд муаммолари долзарблигини белгилайди.

Мамлакатимизда нафақат ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлод ўртасида спортни оммалаштириш, турли спорт турларини мувофиқлаштириш ва ривожлантиришга, балки спорт тиббиёти соҳасидаги профилактика жиҳатларини илмий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан «... спортчиларнинг жисмоний ҳолати ва ривожланишини доимий равишда кузатиб бориш, шунингдек ўткир ва сурункали касалликларни эрта аниқлаш

¹ <https://www.ncaa.org/news/2023/12/6/media-center-student-athletes-graduate-at-record-highs.aspx>

ва даволаш; жисмоний тарбия ва спорт, шу жумладан спорт биомеханикаси, физиологияси соҳасидаги фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этиш...»² аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг яхшиланиши ва қулайлигини ошириш асосида соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя тизимларини такомиллаштиришнинг муҳим вазифалари сифатида белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, жароҳатлар ва унинг оқибатлари профилактикаси, спорт машғулотларининг барча босқичларида спортчиларнинг соғлиғини сақлаш ва иш фаолиятини яхшилаш учун машғулотлар интенсивлигининг мушак-скелет тизимининг жисмоний ҳолатига, жароҳатларнинг табиати, спортчилар касалланишнинг даражасига таъсирини; уларнинг соғлиғига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш, шунингдек бирламчи тиббий ёрдамни ташкил этиш ва жароҳатлардан тикланиш масалаларини ўрганиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 3 ноябрдаги ПҚ-414-сон «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2023 йил 28 июлдаги ПҚ-244-сон «Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун тиббиёт ходимларини тайёрлаш, шунингдек спортчиларни тиббий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республикадаги фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси VI «Тиббиёт ва фармакология» фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илмий адабиётларида спорт жароҳатлари бошқа сабаблар билан боғлиқ барча жароҳатларнинг 2% дан 5% гача эканлигини кўрсатди ва шикастланиш тури биринчи навбатда спорт турининг травматизмига, машғулот интенсивлигига боғлиқ. Шунинг учун асосий ва долзарб муаммо - бу жароҳатлардан тикланиш ва спорт

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги Фармони

жароҳатларининг профилактика дастурларини ишлаб чиқиш, тикланиш даврида асоратларни минималлаштириш ва спортга қайтиш учун жароҳатлардан кейин спортчиларни йўналтириш чора тадбирларини ташкил этиш (Loeser et al., 2012; Hootman J.M. et al., 2021). Шу сабабли, хавф омиллари ва спорт жароҳатларининг профилактика усулларини чуқур ўрганиш ва излаш спорт билан шуғулланишни хавфсизроқ қилади, бу эса пировардида юқори даражадаги спорт ютуқларини ва спортчиларнинг соғлиғини сақлашни таъминлайди. Барча жароҳатлар орасида бойлам-бўғим аппаратларнинг яхлитлигини бузилиши билан тизза бўғимининг (ТБ) шикастланиши, шунингдек, спортчиларнинг жисмоний фаоллигини тиклаш ва уларнинг аста-секин спорт машғулотларига қайтиши алоҳида қизиқиш уйғотади. NSAA маълумотларига кўра, оёқлар устун шикастланиши билан боғлиқ барча жароҳатларининг 50% дан ортиғи ТБ шикастланиши, кўкаришлар ва олд хочсимон бойламнинг (ОХБ) шикастланиши бўлиб, уларнинг ўртача йиллик ўсиши мос равишда 7,0% ва 1,3% ни ташкил қилади (Hootman J.M. et al., 2021). Шу билан бирга, жароҳатлар даражасининг сезиларли ўсиши футбол, жанг санъати ва енгил атлетикада (Вейго М. Г., 2019) аниқланади, бу спортнинг юқори даражадаги ихтисослашуви ва эрта ёшдаги интенсив машғулотлар билан изоҳланади.

Нурли диагностика усулларининг ривожланиши билан магнит резонансли томография (МРТ), артроскопия, ултратовуш ташхисоти (УТТ) ва бошқалар каби замонавий нурли ташхисот ускуналаридан фойдаланишнинг диагностик имкониятлари кенгайди. МРТ билан УТТ усулининг диагностик аниқлигини мос текширувлар усули сифатида таҳлил қилишда, маълумотларни талқин қилишда номувофиқликлар аниқланди, ултратовуш текширувида ёлғон ижобий натижалар аниқланди, магар улар МРТда аниқланмади (Макарова М. В., Валков М. Ю., 2018). Травматик жароҳатлар бўлганда синовитни аниқлашда УТТ нинг диагностик қиймати камаяди (Нуднов Н. В., Николаева М. В., 2013). Шундай қилиб, УТТ усули ТБ бойлам аппаратлари, менисклар ва тоғайга эрта дистрофик ўзгаришлар ташхисида МРТ дан сезиларли даражада ортда қолади деган хулосага келиш мумкин (Балабанова Р. М., 2016). Агар тизза бўғимлари шикастланишининг инструментал диагностикаси масалалари ҳар томонлама ўрганилган бўлса, унда профилактика, тиклаш ва реабилитация қилиш муаммолари замонавий тиббиётда энг долзарб ва ҳал қилинмаган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ташкилий муаммоларнинг ҳал этилмаслигининг муҳим сабабларидан бири жароҳатдан кейин кеч босқичларда қабул қилинган беморларнинг кўплиги, амбулатория тармоғи мутахассислари таянч-ҳаракат тизими муаммоларига ташхис қўйиш ва даволаш жараёнларини тушуниш бўйича етарлича кўникмага эга эмаслигидир (Комаров А.И., 2014). Ихтисослашган тиббий ёрдам учун мутахассисларга кеч мурожаат қилинганда ҳам, тизза бўғимларининг дегенератив-дистрофик шикастланишлари бўлган одамларнинг тикланиши ва нормал ҳаётга қайтишида, шу жумладан травма натижасида реабилитация чоралари катта аҳамиятга эга. Қайта тиклаш асослари кенг қамровли дастурларни ўз ичига

олиши керак: массаж, даволовчи гимнастика, иссиқ сув билан даволаш, электротерапия, лазерли вакуум терапияси, кинезиотерапия ва бошқалар (Лебедева М.Л., 2011). Амалга оширилаётган тадбирларнинг сифати тикланишнинг муваффақиятини, ремиссияларнинг давомийлигини ва тўлиқ тикланиш ва спортга қайтиш имконияти билан қасаллик авж олиш жараёнларининг тўхтатилишини таъминлайди. Ўзбекистонда спорт контингентида тизза бўғимлари шикастланиши натижасида қасалланиш даражаси ва тузилишини, жароҳатлардан кейин юзага келиши мумкин бўлган асоратларнинг профилактикасида жисмоний реабилитация усулларини ўрганиш бўйича бир нечта тадқиқотлар ўтказилди. ТБ жароҳати ва олд хочсимон бойлами (ОХБ) шикастланган спортчиларни тиклаш фақат индивидуал дастурларни яратиш билан, тўлиқ циклик комплексга тўғри ёндашиш билан амалга ошириш мумкин (Мансуров Д.Ш., Мамасолиев Б.М., 2022). Фақатгина ТБ функционал фаолиятининг профилактика ва тиклашга комплекс ва индивидуал ёндашув бўғим функцияларининг сақланишини, ҳаёт сифатини яхшилашни таъминлайди (Пирназаров М.М., Скворцова Л.А., 2022).

Дунёда спортчиларда ТБ шикастланиши муаммосини, уларнинг жисмоний реабилитациясини ташкил этиш усулларини ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аммо буларнинг барчаси билан бугунги кунда нафақат кенг қамровли даволанишдан сўнг профилактика ва реабилитация ва тикланиш тадбирларни ўз вақтида бошлашда, балки статистик кўрсаткичлар, рўйхатга олиш тизими, спортчилар тўғрисида маълумот тўплаш, шунингдек, жароҳатларнинг таҳлили ва тури тўғрисида тўлиқ маълумотларда ҳам жуда катта бўшлиқлар мавжуд. Юқорида айтилганларнинг барчаси нафақат спорт жароҳатлари профилактикасининг ташкилий ва услубий жиҳатларини, балки спорт контингентида тизза жароҳатларини ҳар томонлама ва босқичма-босқич жисмоний реабилитация қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, спортчиларнинг соматоморфометрик кўрсаткичларини ва шикастланган тизза бўғимининг функционал фаоллигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни ҳам жорий этиш зарурлигига ишора қилади, бу эса уларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга таъсир қилади шунингдек, бу асоратларни камайтиришга ва имкон қадар тезроқ спорт машғулотларига қайтишга ёрдам беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари СамДТУ 012000260-сонли (2019-2023 йй.) «Инфекцион ва ноинфекцион этиологияли ижтимоий аҳамиятга эга инсон қасалликларининг профилактикаси, диагностикаси ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш» илмий лойиҳаси доирасида олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсади: спорт контингенти мисолида тизза бўғимининг қўшма жароҳатлари учун жарроҳлик аралашувлардан сўнг тикловчи тадбирлари дастурини ва уларнинг профилактикасини тизимлаштиришнинг ташкилий усулларини шакллантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тизза бўғимидаги жарроҳлик аралашувлардан сўнг спорт контингенти мисолида босқичма-босқич жисмоний реабилитация қилиш дастурини ишлаб чиқиш;

тизза жароҳатларидан кейин спорт контингентидида жисмоний реабилитация босқичларида асоратларни профилактикасида қўлланиладиган усулларнинг самарадорлигини баҳолаш;

Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилояти мисолида спорт контингентининг травматик шикастланишларини ретроспектив таҳлил қилиш;

спорт контингенти мисолида ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жароҳатларнинг профилактикасининг асосий тамойилларини тизимлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-2023 йилларда Самарқанд Давлат тиббиёт университети қошидаги Реабилитация ва спорт тиббиёти илмий-текшириш институти базасида даволанган 78 нафар турли ихтисослик, малакага эга, 18 ёшдан 35 ёшгача, тиззасидан жароҳат олган эркаклар маълумотлари олинган. Турли хил жароҳатлар бўлганда яшаш жойидаги поликлиникаларга мурожаат қилган 203 спортчи ўртасида ретроспектив таҳлил ўтказилди. Жароҳатлардан сўнг асоратларни профилактика қилишнинг ташкилий аспекти 186 спортчида ўтказилган сўровнома натижаларига асосланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида спортчиларнинг жароҳатлардан сўнг реабилитация босқичларида тизза бўғимининг тиббий-биологик ва функционал ҳолатини баҳолаш воситалари, усуллари ва меъзонлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда спорт жароҳатлари эпидемиологияси, ўзига хослиги, хавф омиллари ва даволаш усулларини ретроспектив таҳлил қилинди. Тизза жароҳати бўлган спорт контингентидида босқичли жисмоний реабилитацияни истиқболли ўрганиш умумий клиник текширув, антропометрик, соматометрик, функционал, ижтимоий (анкета-сўровномалар асосида) ва статистик тадқиқот усулларини ўз ичига олган босқичли жисмоний реабилитацияни истиқболли ўрганиш ўтказилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор мушак-фасциал моделлаштириш ва проприоцепцияни ривожлантириш машқларига асосланган персонал ёндашув орқали операциядан кейинги давр босқичларини ҳисобга олган ҳолда тиззанинг қўшма жароҳатлари учун комплекс реабилитацион чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилган;

олд хочсимон бойлам ва менискнинг шикастланиши билан тизза бўғимларининг қўшма жароҳатларида мувозанат машқлари ва кинезиотейплашни комплекс реабилитациясига маълум кетма-кетликда киритиш мушак-бўғим рецепторлари ва тезлик-куч қобилиятлари фаоллигини ошириш орқали тикланиш жараёнини тезлаштириши ва асоратлар хавфини камайтириши исботланган;

операциядан кейинги, функционал ва тренинг-тикланиш босқичлари

моделли реабилитация дастурига киритилиши тикланиш даврида соматоморфометрик ҳолатни, ҳаёт сифатининг жисмоний ва психологик доменларини, шунингдек шикастланган тизза бўғимининг функционал фаоллигини яхшилаши асосланган;

спортчиларда ёшга, спорт турига ва малакасига қараб, мушакларнинг хотирасини ривожлантиришга ва мушак-бўғим тизимини мустаҳкамлашга ҳисса қўшадиган турли гуруҳ мушакларининг статодинамик тайёргарлиги ишлаб чиқилган жароҳатларнинг профилактика дастурининг ижобий таъсир қилиши аниқланган.

Тадқиқот амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

спорт контингентида тизза жароҳатларидан кейин уч босқичли реабилитациянинг оптималлаштирилган усули, шу жумладан мувофиқлаштириш машқлари ва мушак-фасциал моделлаштириш мумкин бўлган асоратларнинг олдини олишга ёрдам беради, соматометрик хусусиятларни, тизза бўғимининг функционал фаоллиги кўрсаткичларини ва спортчиларнинг ҳаёт сифатини яхшилаб, асоратлар ва касалхонага ётқизиш муддатини 14 кундан 12 кунгача қисқартиради;

тизза жароҳати натижасида келиб чиқадиган асоратларни олдини олиш учун босқичма-босқич жисмоний реабилитация дастуридан фойдаланиш спортчиларнинг жисмоний фаолиятга ва фаол ҳаёт тарзига қайтиш вақтини 1,9 баравар, асоратларни 2,6 баравар ва реабилитация даврини 1,8 баравар камайтиришни таъминлади;

тизза жароҳатлари учун реабилитация тадбирларини оптималлаштириш асоратларнинг ривожланишини 33,3% дан 12,8% гача камайтиришга эришилган, бу функционал, тезлик-куч синовлари ва проприоцепция кўрсаткичларига, шунингдек, ҳаёт сифатининг жисмоний ва психологик доменлар параметрларига таъсир кўрсатган;

мушаклар хотирасини шакллантириш ва тонусни оширишга асосланган профилактика дастури таянч-ҳаракат тизимининг мумкин бўлган бузилишларини тузатишга, шикастланишнинг олдини олишга, тананинг фаровонлиги ва функционал ҳолатини яхшилашга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган ретроспектив таҳлили, диалектик, қиёсий таққослаш, мантикий умумлаштириш, статистик тадқиқот усуллар асосида реабилитация тадбирларини оптималлаштиришдан ва шикастланиш динамикасини ҳар томонлама баҳолашнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тизза жароҳати бўйича операциядан кейинги спорт контингентининг ҳаёт сифатини таҳлил қилиш ва шикастланиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган асоратларни

профилактикаси учун жисмоний реабилитациянинг босқичма-босқич дастурини танлаш билан асосланадиган реабилитация тадбирларини оптималлаштиришдан иборат; бунда кўрсаткичлар динамикасини соматометрик параметрлар, функционал ва тезлик-куч синовларидан фойдаланиб, мушак бўғимини сезгиси натижаларини ҳар томонлама баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти спорт жароҳатларининг олдини олишга қаратилган ташкилий ва услубий тавсияномаларни ишлаб чиқиш ва тизза жароҳати билан операция қилинган спортчиларда тизза бўғимининг ҳаёт сифати ва функционал фаоллигининг жисмоний ва психологик таркибий қисмларининг кўрсаткичларини яхшилаш, тавсия этилган уч босқичли комплекс жисмоний реабилитация дастуридан фойдаланганда реабилитация тадбирлари натижаларининг самарадорлиги ва иқтисодий харажатларни камайтириш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгашининг 2024 йил 12 март 21-сон хулосасига кўра:

1-ИЛМИЙ ЯНГИЛИК

Илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор мушак-фасциал моделлаштириш ва проприоцепцияни ривожлантириш машқларига асосланган персонал ёндашув орқали операциядан кейинги давр босқичларини ҳисобга олган ҳолда тиззанинг қўшма жароҳатлари учун комплекс реабилитацион чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: спорт контингентда тизза жароҳатларидан кейин уч босқичли реабилитациянинг оптималлаштирилган усули, шу жумладан мувофиқлаштириш машқлари ва мушак-фасциал моделлаштириш мумкин бўлган асоратларнинг олдини олишга ёрдам беради, соматометрик хусусиятларни, тизза бўғимининг функционал фаоллиги кўрсаткичларини ва спортчиларнинг ҳаёт сифатини яхшилаб, асоратлар ва касалхонага ётқизиш муддатини 14 кундан 12 кунгача қисқартиради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: тиззанинг қўшма жароҳатларини реабилитация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар давомида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Самарқанд вилоят ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 2023 йил 14 октябрдаги 50-А сонли буйруғи билан; Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш Миллий марказининг 2023 йил 11 октябрдаги 93-сонли буйруғи билан амалий фаолиятга татбиқ этилди (Самарқанд Давлат тиббиёт университети қошидаги Эксперт Кенгашининг хулосаси 2023 йил 8 ноябрдаги 58-сонли маълумотномаси).

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: спортчиларда тизза жароҳатларидан кейин ишлаб чиқилган реабилитация тадбирлари дастури тизза бўғимида юзага келиши мумкин бўлган асоратларнинг пасайишига ва жисмоний фаолиятни чеклашнинг ўртача давомийлигини $7,8 \pm 0,78$ ой дан $4,5 \pm 0,34$ ой гача қисқартиришга

эришилган. Беморларнинг учдан икки қисми тренинг-тикланиш даври охирида реабилитация курсларини такрорламасдан одатдаги жисмоний фаолиятига қайтишган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: реабилитация дастурини босқичма-босқич қўллаш натижасида касалхонага ётқизиш муддатини 14 кундан 12 кунгача қисқартириш, даволаниш самарадорлигини ошириш ва тиззанинг қўшма жароҳатланишидан кейин асоратларни ривожланиш частотасининг пасайиши орқали тикланишни 6 кунга камайтиришга эришилган. Буларнинг натижасида 4 333 329 сум сўм бюджет маблағини тежашга эришилган.

Хулоса: тизза жароҳати олган спортчиларда реабилитация тадбирларининг самарадорлигини ҳар томонлама баҳолаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари бизга асоратларнинг профилактика алгоритминини, шу жумладан реабилитация даврига қараб жароҳатнинг физиологик, биомеханик, анатомик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда клиник хусусиятларга асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга имкон берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Тизза бўғимининг қўшма жароҳатларида асоратларнинг профилактика дастурини такомиллаштириш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Самарқанд давлат тиббиёт университети проректори томонидан 2024 йил 14 мартдаги 2176-сон хат юборилган.

2-ИЛМИЙ ЯНГИЛИК

Илмий янгиликнинг моҳияти: олд хочсимон бойлам ва менискнинг шикастланиши билан тизза бўғимларининг қўшма жароҳатларида мувозанат машқлари ва кинезиотейплашни комплекс реабилитациясига маълум кетма-кетликда киритиш мушак-бўғим рецепторлари ва тезлик-куч қобилиятлари фаоллигини ошириш орқали тикланиш жараёнини тезлаштириши ва асоратлар хавфини камайтириши исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: тизза жароҳати натижасида келиб чиқадиган асоратларни олдини олиш учун босқичма-босқич жисмоний реабилитация дастуридан фойдаланиш спортчиларнинг жисмоний фаолиятга ва фаол ҳаёт тарзига қайтиш вақтини 1,9 баравар, асоратларни 2,6 баравар ва реабилитация даврини 1,8 баравар камайтиришни таъминлади.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: тиззанинг қўшма жароҳатларини реабилитация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар давомида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Самарқанд вилоят ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 2023 йил 14 октябрдаги 50-А сонли буйруғи билан; Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш Миллий марказининг 2023 йил 11 октябрдаги 93-сонли буйруғи билан амалий фаолиятга татбиқ этилди (Самарқанд Давлат тиббиёт университети қошидаги Эксперт Кенгашининг хулосаси 2023 йил 8 ноябрдаги 58-сонли маълумотномаси).

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тиззанинг қўшма жароҳатлари бўлган беморларни реабилитация қилишда персонал ёндашувдан фойдаланиш операциядан кейинги даврда асоратларни ривожланишини 2,6 баравар, шу жумладан тизза бўғимининг беқарорлиги 11,1% дан 4,8% гача; сурункали оғриқ синдроми 33,3% дан 11,9% гача камайтиришга имкон берди; шунингдек, остеоартрит каби тизза бўғими тоғай қатлами дегенератив-дистрофик шикастланишлари ҳолатлари йўқлигига эришиш 8,3% га, сон ва болдир мушаклари атрофияси 27,8% га қарши, тизза контрактураси 5,6% га камайган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: вақтинчалик ногиронлик муддатини 30 кундан 10 кунгача қисқартиришга эришилган, 6 ойлик кузатувдан сўнг такрорий реабилитация курсларидан ўтишининг ҳожати йўқ, агар вақтинчалик ногиронлик учун кунлик тўлов 70 000 дан 50 000 сўмгача камайтирилса, бу йиллик бюджет 110 000 000 сўм тежалишига эришилган.

Хулоса: тадқиқот натижаларига кўра, турли даражадаги тиббиёт муассасаларида мениск ва олд хочсимон бойлам шикастланиши билан тизза бўғимларининг қўшма жароҳатларидан кейин асоратларнинг профилактикаси бўйича комплекс дастурни амалга оширишга имкон берадиган асосий хулосалар ва тавсиялар олинган, бу спортчиларнинг кундалик ҳолатига қайтиш вақти, иш ва жисмоний фаоллик, реабилитация давомийлигини сезиларли даражада камайтиради ва касалликнинг узок муддатли прогнозини яхшилайдди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Тизза бўғимининг қўшма жароҳатларида асоратларнинг профилактика дастурини такомиллаштириш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Самарқанд давлат тиббиёт университети проректори томонидан 2024 йил 14 мартдаги 2176-сон хат юборилган.

3-ИЛМИЙ ЯНГИЛИК

Илмий янгиликнинг моҳияти: операциядан кейинги, функционал ва тренинг-тикланиш босқичлари модели реабилитация дастурига киритилиши тикланиш даврида соматоморфометрик ҳолатни, ҳаёт сифатининг жисмоний ва психологик доменларини, шунингдек шикастланган тизза бўғимининг функционал фаоллигини яхшилаши асосланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: тизза жароҳатлари учун реабилитация тадбирларини оптималлаштириш асоратларнинг ривожланишини 33,3% дан 12,8% гача камайтиришга эришилган, бу функционал, тезлик-куч синовлари ва проприоцепция кўрсаткичларига, шунингдек, ҳаёт сифатининг жисмоний ва психологик доменлар параметрларига таъсир кўрсатган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: тиззанинг қўшма жароҳатларини реабилитация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар давомида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Самарқанд вилоят ортопедия ва травматология шифохонаси 2024 йил 23 январдаги 28-1-сонли

бўйруғи билан; Самарқанд олимпия ва параолимпия спорт турлари бўйича маркази 2024 йил 7 февралдаги 8-сон бўйруғи билан (Самарқанд Давлат тиббиёт университети қошидаги Эксперт Кенгашининг хулосаси 2023 йил 18 ноябрдаги 60-сонли маълумотномаси) амалиётига жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: спортчининг соғайиш вақтини ва реабилитация тадбирларининг давомийлигини қисқартиришни, жароҳатдан кейин юзага келиши мумкин бўлган асоратларни камайтиришни, сифат мезонларини ўрганиш натижалари, уларнинг реабилитация жараёнидаги адекватлиги ва самарадорлиги билан ҳар томонлама асосланадиган жисмоний кўрсаткичларни тез тиклашни ўз ичига олади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: амалий соғлиқни сақлашда реабилитация терапиясининг оптималлаштирилган усулини жорий этиш билан жароҳатланганларда ишга яроқсизлик кунларини қисқартиришдан иборат. Ушбу патологияга чалинганларнинг касалхонада ўртача ётишида тизза жароҳатларидан сўнг амалга оширилган реабилитация техникасидан фойдаланиш тикланиш даврида ҳар бир беморга 2 200 000 сўм тежаш имконини беради. Бу, ўз навбатида, беморларни парвариш қилишни яхшилаш, ҳаётнинг юқори сифатини таъминлаш ва жисмоний фаолиятни тиклаш билан текширилувчининг кундалик ҳаётга тез қайтишини таъминлашга олиб келади.

Хулоса: операциядан кейинги - функционал - тренинг-тикланиш босқичлари моделини тизза жароҳатларидан кейин тикланиш жараёнига киритиш натижасида соматоморфометрик ҳолатнинг яхшиланиши, функционал синамалар кўрсаткичлари ва натижада спортчиларнинг ҳаёт сифати SF-36 шкаласининг барча таркибий қисмларидаги соҳалари яхшиланишига эришилган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Тизза бўғимининг кўшма жароҳатларида асоратларнинг профилактика дастурини такомиллаштириш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Самарқанд давлат тиббиёт университети проректори томонидан 2024 йил 14 мартдаги 2176-сон хат юборилган.

4-ИЛМИЙ ЯНГИЛИК

Илмий янгиликнинг моҳияти: спортчиларда ёшга, спорт турига ва малакасига қараб, мушакларнинг хотирасини ривожлантиришга ва мушак-бўғим тизимини мустаҳкамлашга ҳисса қўшадиган турли гуруҳ мушакларининг статодинамик тайёргарлиги ишлаб чиқилган жароҳатларнинг профилактика дастурининг ижобий таъсир қилиши аниқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: мушаклар хотирасини шакллантириш ва тонусни оширишга асосланган профилактика дастури таянч-ҳаракат тизимининг мумкин бўлган бузилишларини тузатишга, шикастланишнинг олдини олишга, тананинг фаровонлиги ва функционал ҳолатини яхшилашга имкон берди.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: тиззанинг кўшма жароҳатларини реабилитация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар давомида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Самарқанд вилоят ортопедия ва травматология шифохонаси 2024 йил 23 январдаги 28-1-сонли буйруғи билан; Самарқанд олимпия ва параолимпия спорт турлари бўйича маркази 2024 йил 7 февралдаги 8-сон буйруғи билан (Самарқанд Давлат тиббиёт университети қошидаги Эксперт Кенгашининг хулосаси 2023 йил 18 ноябрдаги 60-сонли маълумотномаси) амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагича: шикастланишлар профилактикасининг асосий тамойилларини тизимлаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар, шу жумладан турли гуруҳларнинг мушакларини шуғуллантириш, мушакларнинг тонусини сақлаш ва интенсив машғулотлар пайтида ҳосил бўлган оксидловчи компонент томонидан кўпайишига таъсир қилиш орқали шикастланиш хавфини камайтиради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: спорт контингенти мисолида жароҳатларнинг профилактика дастурининг амалга оширилиши спорт жароҳатлари сони ва эҳтимолини 28,7 % га, тикланиш вақтини 6 кунга қисқартириш имконини берди, бу эса 4 333 329 сўм миқдорида бюджет тежалишига олиб келган.

Хулоса: спорт контингенти мисолида спортчиларнинг малакаси, даражаси, жинси, антропометрик маълумотларини, шунингдек, машғулотлар ва дам олишнинг галланиш режимини ҳисобга олган ташкилий чора-тадбирлар натижасида жароҳатларни назорат ва профилактика қилиш имкониятига эришилган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Тизза бўғимининг кўшма жароҳатларида асоратларнинг профилактика дастурини такомиллаштириш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Самарқанд давлат тиббиёт университети проректори томонидан 2024 йил 14 мартдаги 2176-сон хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференцияларда, улардан 2 таси халқаро ва 2 таси республика миқёсида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 7 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, адабиётлар шарҳи, ўз кузатувларининг учта боби, хотима, хулосалар, иловалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг бажарилиши, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг «**Тизза жароҳатлари ва уларнинг спорт контингентидаги хусусиятлари. Асоратлар профилактикасида реабилитацион-тикловчи тадбирларнинг ўрни (адабиётлар шарҳи)**» номли биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили ўтказилди, муаммонинг ҳозирги ҳолати ўрганилди ва спортчиларда ТБ жароҳатлари, спорт контингентида тизза бўғимлари шикастланишининг назарий ва услубий асослари масалалари ва спорт турлари бўйича кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар берилди; шикастланиш эпидемиологиясининг услубий асослари муҳокама қилинди; комбинацияланган ТБ жароҳатлари учун реабилитацион тикловчи тадбирларини ташкил этиш усуллари ва уларнинг шикастланишнинг мумкин бўлган асоратлари профилактикасидаги ўрни, шунингдек, спорт жароҳатларининг олдини олиш дастурини ташкил этишга илмий ёндашувларни топиш усуллари тақдим этилди.

Диссертациянинг «**Материал ва тадқиқот усуллари**» номли иккинчи бобида тадқиқот материални ташкил этган ўрганилаётган контингентнинг хусусиятлари тасвирланган ва ушбу иш жараёнида қўлланилган усуллар ҳақида батафсил маълумот берилган. Тадқиқотда ОХБ ва менискэктомияни (қисман ёки тўлиқ) тиклаш учун тизза бўғимларида жарроҳлик аралашувлардан ўтган, 18 ёшдан 35 ёшгача (ўртача $27,8 \pm 0,47$ ёш) бўлган 78 эркак спортчи бемор текширилган. Тадқиқотнинг барча иштирокчилари спорт билан шуғулланаётганда жароҳат олишди: футбол - $n=25$ (32,1%); жанг санъати - $n=23$ (29,5%); волейбол - $n=8$ (10,3%); оғир атлетика - $n=11$ (14,1%); енгил атлетика - $n=11$ (14,1%) (1-расм).



1-расм. Спорт турига қараб тизза бўғими операциясидан кейин спортчиларнинг тақсимланиши, %

Қайта тиклаш терапияси усулларига қараб умумий контингентдан 2 гуруҳ тузилди: асосий гуруҳ (АГ) - n=42 (53,9%) беморлар, стандарт терапия фонида, босқичма-босқич жисмоний реабилитация дастурлари бўйича даволанган беморлар; назорат гуруҳи (НГ) - стандарт даволаш курсини қабул қилган n=36 (46,1%) беморлар. Назорат гуруҳида стандарт даволаш умумий қабул қилинган усуллар бўйича амалга оширилди. Асосий гуруҳда тавсия этилган кенг қамровли реабилитация тадбирлари дастури стандарт терапия билан бир каторда уларни киритиш вақтига қараб уч даврга гуруҳланган замонавий реабилитация воситалари ва усуллари танлаш билан тўлдирилади: операциядан кейинги (операциядан кейин 6 ҳафтагача); функционал (1,5-3 ой); машқ ва реабилитация (3 ой - 6 ой). Реабилитация терапиясининг давомийлиги 6 ойни ташкил этди (1-жадвал).

Жадвал 1

Тизза бўғимидаги жарроҳлик аралашувлардан сўнг реабилитация тадбирлари дастури

| № | Асосий гуруҳ (n=42) | Назорат гуруҳи (n=36) |
|-----|--|-----------------------------------|
| 1. | Даволовчи жисмоний тарбия (ДЖТ) | Даволовчи жисмоний тарбия (ДЖТ) |
| 2. | Даволовчи массаж, ўз ўзини массаж | Даволовчи массаж, ўз ўзини массаж |
| 3. | Изометрик машқлар | Изометрик машқлар |
| 4. | Идеомотор машқлар | - |
| 5. | Изокинетик машқлар | - |
| 6. | Проприоцептив машқлар, баланс-тренинг | - |
| 7. | Электрмиостимуляция, магнитотерапия | Магнитотерапия |
| 8. | Рефлексотерапевтик (акупунктур) массаж | - |
| 9. | ТБнинг функционал фаоллигини тиклашга қаратилган махсус ишлаб чиқилган машқлар | - |
| 10. | Механотерапия (тренажерлар) | Механотерапия (тренажерлар) |
| 11. | Юриш | Юриш |
| 12. | Юмшоқ тўқималарни сафарбар қилиш, кинезиотейплаш | - |
| 13. | Рефлексотерапия | - |

Тадқиқот вазифаларини ҳал қилиш ва динамик ўзгаришларни кузатиш учун қуйидаги усуллар 2-жадвалда кўрсатилган блокларга бирлаштирилди.

Иш жараёнида олинган натижаларни қайта ишлаш учун математик статистика усуллари қўлланилди. Реабилитация чораларини қўллашдан олдин ва кейин олинган маълумотлар таҳлил қилинди, назорат ва асосий гуруҳлар

ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги ўрганилди. Олинган параметрларни таққослаш учун куйидаги усуллардан фойдаланилди: Вилкоксоннинг қарам намуналар учун t-мезони ва мустақил намуналар учун Стъюдентнинг t-мезони; ўртача қиймат ва стандарт оғиш аниқланди. Фарқлар $p < 0,05$ қийматида муҳим деб ҳисобланган. Тадқиқот натижаларини барча қайта ишлаш Statistica и Microsoft Excel дастурлари ёрдамида амалга оширилди.

2-жадвал


Спортчиларни динамик кузатишни босқичма-босқич мониторинги

| Блок | Тест |
|----------------------------------|--|
| Жисмоний ривожланиш блоки | Бўйи |
| | Тана массаси |
| | Тана масса индекси (ТМИ) |
| | Сон ва болдир айланаси |
| | Сон ва болдирнинг тери-ёғ бурмаси (ТЁБ) қалинлиги |
| Функционал тадқиқот блоки | Гониометрия |
| | Тизза бўғими айланаси узунлиги |
| | Мануал-мушак тести (ММТ) |
| | Тизза бўғимининг динамик и статик чидамлилигини текшириш |
| | Сон тўртбошли мушагининг изокинетик динамометрияси |
| Проприоцепция блоки | Тизза бўғимининг барқарорлиги ва тезлик куч қобилиятлари учун тестлар |
| | Вестибуляр чидамлилиқ тести |
| | Статик мувозанат |
| | Динамик мувозанат |
| Психо-социологик статус блоки | Оғувчи юзадаги мувозанат |
| Психо-социологик статус блоки | Ҳаёт сифатини SF-36 шкаласи бўйича баҳолаш |

«Тизза операциясидан кейин спортчиларни реабилитация қилиш тадбирларининг самарадорлигини баҳолаш натижалари» номли диссертациясининг учинчи бобида тиззанинг кўшма жароҳатлари бўйича операциядан кейин номедикаментоз чора-тадбирлар дастури клиник хусусиятлар, физиологик қонуниятлар билан бир қаторда, мумкин бўлган асоратларни ривожланишига йўл қўймаслик учун реабилитацион-тикланиш алгоритминини ишлаб чиқиш учун маълум бир шикастланишнинг биомеханик кўринишлари ҳисобга олинган ҳолда спорт контингенти мисолида асосланади.


Соматоморфометрик статус спортчилар бўй ва вазн параметрларини, ТМИ, соғлом (СО) ва операция қилинган (ОО) оёқнинг соматометриясини аниқлаш орқали реабилитация терапиясига мурожаат қилганларида баҳоланди. Тадқиқотга киритилган пайтда кузатув гуруҳларидаги

антропометрик кўрсаткичлар деярли бир хил эди, бу уларнинг таққосланиши мумкинлигини кўрсатади (2-расм).



2 -расм. Реабилитация тадбирлари бошланишидан олдин антропометрик ва соматометрик ўлчовлар кўрсаткичлари

Асосий гуруҳдаги реабилитация босқичларида динамикада тана вазни ва ТМИнинг реабилитация тадбирлари бошидан тугагунига қадар 8% га сезиларли динамик пасайиши кузатилди (3-расм).




3 -расм. Реабилитация босқичларида асосий гуруҳдаги антропометрик ва соматометрик ўлчовлар кўрсаткичлари, n=42

Шу билан бирга, СО сон айланаси ўлчаш кўрсаткичлари бутун давр мобайнида 6% га, ОО - 16%: 3 ойдан кейин ОО сон айланаси $38,83 \pm 0,22$ см, 6 ойдан кейин – $42,88 \pm 0,26$ см га ошди. Соғлом оёқдаги болдирнинг айланаси 13% га сезиларли даражада ошди 3 ой ва 6 ойдан кейин мос равишда $39,64 \pm 0,4$ см ва $41,71 \pm 0,42$ см ни ташкил этди. ОО болдири атрофини ўлчашда ҳам ижобий динамика кузатилди, бу динамикада 29% га ошди.

Назорат гуруҳида тана вазни ва ТМИ таҳлили шуни кўрсатдики, 1,5 ойлик машғулотлардан сўнг тана вазни ўртача $82,07 \pm 0,99$ кг ни ташкил этди ва 6 ойдан кейин у деярли ўзгармади - $82,07 \pm 1,16$ кг. СО сон айланаси кўрсаткичлари 1,5 ва 3 ой давомида 3% га ошди – $43,57 \pm 0,29$ см дан $44,08 \pm 0,39$

см гача, сўнгра 6-ойгакелиб бошланғич қийматларгача камайди - $43,92 \pm 0,52$ см. ОО сон атрофи 1.5-бойлик кузатув даврида атиги 7% га сезиларли даражада ошди, $38,24 \pm 0,30$ см дан $41,44 \pm 0,42$ см гача. Даволаш муолажалари охирида СО болдир айланасининг 8% га ўсиши аниқланди: 1,5 ойдан кейин $36,71 \pm 0,36$ см ва $39,08 \pm 0,46$ см 6 ойдан сўнг. Ҳолбуки, ОО болдир айланаси кўрсаткичлари реабилитациянинг барча босқичларида бир хил ўсишни кўрсатди (1,5 ой охирида 6% га, 3 ой охирида - 2% га, 6 ой давомида 8% га сезиларли ўсиш кузатилди, бу мос равишда $33,55 \pm 0,27$ см; $35,11 \pm 0,24$ см. ва $36,94 \pm 0,51$ см ни ташкил этди) (4-расм).



4-расм. Реабилитация босқичларида назорат гуруҳидаги антропометрик ва соматометрик ўлчовлар кўрсаткичлари, $n=36$

Кузатув гуруҳларида реабилитация дастурларининг самарадорлигини қиёсий баҳолаш, назорат гуруҳидаги стандарт дастур натижаларини таҳлил қилишда, оёқ мушаклари атрофида 3 см дан ортиқ ассиметрия мавжудлигини кўрсатди, бу ОО мушакларида яққол гипотрофия мавжудлигини кўрсатади, айти пайтда асосий гуруҳда операция қилинган ТБ да бу кўрсаткич ўртача 0,5 см дан ошмади.


Кузатув гуруҳларида сезиларли фарқлар операция қилинган оёқ сонининг тўртбошли мушакларининг изокинетик динамометрияси пайтида ҳам аниқланди (3-жадвал). Асосий гуруҳда сонининг тўртбошли мушакларининг тана вазнига нисбатан фоизлардаги бурчак тезлиги 1 секундига 60° бўлган пикдаги айланиш ҳолати (ПАХ/ТВ) кўрсаткичи учинчи ойнинг охирида $162,21 \pm 43,14\%$ ни ташкил этди ва олтинчи ойнинг охирига келиб у $210,71 \pm 42,88\%$ га ошди. Назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич стандарт даволанишнинг учинчи ойи охирига келиб $158,86 \pm 49,13\%$, олтинчи ой охирига келиб - $161,56 \pm 30,27\%$ ни ташкил этди. Яъни, асосий гуруҳда 60% га ПАХ/ТВ 60° (%) нинг $14,4\%$ га ва бурчак тезлиги 1 секундига 60° бўлган ўртача айланиш ҳолати $16,6\%$ га сезиларли ўсиши аниқланди. Бурчак тезлиги 1 секундига 180° бўлган ПАХ/ТВ асосий гуруҳда $16,2\%$ га ҳам учинчи ойнинг охирига келиб ($132,67 \pm 29,45\%$) ҳам даволанишнинг тўлиқ курси охирида ($164,55 \pm 32,29\%$) назорат гуруҳи билан солиштирганда ($114,49 \pm 32,19\%$ ва $139,16 \pm 29,76\%$ 3-чи ва 6-чи ойга) сезиларли даражада ошди.

ОО соннинг тўртбошли мушакларининг 6 ойлик реабилитация тадбирларининг охирида изокинетик динамометрияси кўрсаткичлари (M±m)

| Кўрсаткич | Асосий гуруҳ (n=42) | Назорат гуруҳи (n=36) |
|---------------------------|---------------------|-----------------------|
| ПАХ/ТВ 60° (%) | 210,71±42,88* | 161,56±30,27 |
| Ўртача айланиш 60° (Вт) | 109,52±28,16* | 92,76±11,23 |
| ПАХ/ТВ 180° (%) | 164,55±32,29* | 139,16±29,76* |
| Ўртача айланиш 180° (Вт) | 188,61±33,54 | 176,38±21,56 |
| Тезлашиш вақти 180° (м/с) | 41,43±9,46* | 53,41±7,37 |

Эслатма: *- ишончли фарқлар, $p < 0,05$

Реабилитация тадбирларининг уч босқичли дастури охирида гониометрия натижаларини баҳолаш шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда деярли барчасида пассив ва фаол ҳаракатлар ҳажми тўлиқ тикланди, бу тиззанинг функциясини баҳолашда тиззани букишда $51,24 \pm 0,37^\circ$ тиззани букишда ва тиззани ёзишда $179,5 \pm 0,11^\circ$. Назорат гуруҳида реабилитация муолажасининг охирига келиб, ТБнинг букилиши ва ёзилишининг сезиларли даражада паст кўрсаткичлари қайд этилди, асосий гуруҳга нисбатан букилиш бурчаги 14,6% га, ёзилиш бурчаги 2,7% га сезиларли даражада паст бўлди (5-расм).



5 -расм. Кузатув гуруҳларида операция қилинган тиззанинг гониометриясини қиёсий баҳолаш (°), n=78

ТБ функционал ҳолатининг динамикаси (4-жадвал) шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда операция қилинган бўғимнинг айланаси ($39,8 \pm 1,5$ см) соғлом оёқнинг ТБ параметрларидан ўртача 3,6% катта ($38,4 \pm 1,6$ см). Ҳолбуки, назорат гуруҳида ОО бўйича бу кўрсаткич $41,1 \pm 1,4$ см ни ташкил этди, ва соғлом оёқда 5,9% фарқ билан - $38,7 \pm 1,8$ см ни ташкил этди. Асосий гуруҳдаги оёқларда бўғимнинг динамик чидамлилиқ (БДЧ) кўрсаткичидаги фарқ назорат гуруҳидаги 13,9% га нисбатан 2,8% ни ташкил этди. Асосий гуруҳдаги СО ва ОО ўртасидаги бўғимнинг статик чидамлилиқ (БСЧ, сониялардаги статик ҳаракат вақти) натижалари деярли ҳеч қандай фарқ кўрсатмади (ОО -

195,0±28.4 сония, СО – 208,7±12,2 сония), назорат гуруҳида бу 11% (ОО – 178,0±32,7 сония, СО – 200,2±30,6 сония).

4-жадвал


Жисмоний-тикланиш даври охирида тизза бўғимининг функционал ҳолатининг кўрсаткичлари (M±m)

| Кўрсаткич | Асосий гуруҳ (n=42) | | Назорат гуруҳи (n=36) | |
|-----------------------|---------------------|-------------|-----------------------|-------------|
| | ОО | СО | ОО | СО |
| Бўғим айланаси (см) | 39,8±1,5** | 38,4±1,6* | 41,1±1,4 | 38,7±1,8* |
| БДЧ (ҳаракатлар сони) | 68,3±3,2** | 70,2±2,8* | 56,8±2,1 | 67,5±3,4* |
| БСЧ (сониялар) | 195,0±28,4** | 208,7±12,2* | 178,0±32,7 | 200,2±30,6* |

Эслатма: ** $p \leq 0,05$ операция қилинган тизза (ОО) ва соғлом тизза (СО) ўртасида;


* $p \leq 0,05$ асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида

Жисмоний тайёргарликни аниқлаш учун ўтказилган асосий гуруҳдаги ТБнинг тезлик-куч қобилияти ва барқарорлигини баҳолаш шуни кўрсатдики, учинчи босқич охирида ва функционал ва жисмоний-тикланиш давларининг охирига келиб, мос равишда икки оёқдан сакраш 6,3% га (183,38±0,25 см ва 189,95±0,29 см); соғлом оёқда уч марта сакраш - 9,3% га (4,7±0,02 м ва 5,2±0,02 м), операция қилинган оёқда 23,5% га (3,65±0,02 м ва 4,77±0,03 м); соғлом оёқда масофани босиб ўтиш учун сакраш - 9,7% га (2,27±0,02 м ва 2,05±0,02 м), операция қилинган оёқда - 10,3% га (2,35±0,02 м ва 2,11±0,02 м) ошган (6-расм).




6-расм. Реабилитация тадбирлари динамикасида асосий гуруҳдаги ТБнинг тезлик-куч қобилияти ва барқарорлиги кўрсаткичлари

Назорат гуруҳида реабилитация тадбирларининг иккинчи ва учинчи босқичларига келиб икки оёқда сакраш тезлиги 4,3% га (178,78±0,38 см ва 184,67±0,35 см; соғлом оёқда уч марта сакраш 5,3% га (4,5±0,03 м ва 4,79±0,03 м), операция бўлган оёқда - 22,1% га (3,55±0,02 м ва 3,99±0,04 м); соғлом оёқдаги масофани энгиб ўтиш учун сакраш 7,5% га (2,48±0,03 м) ва 2,32±0,02 м), 6,2% (2,89±0,04 м ва 2,74±0,04 м) ошди (7-расм). Реабилитация тадбирлари якунига кўра, асосий гуруҳдаги оёқ симметрияси индекси 1,18±0,01ни ташкил этди, назорат гуруҳида эса 1,31±0,08га тенг.



7-расм. Реабилитация босқичларида назорат гуруҳидаги ТБнинг тезлик-куч қобилияти ва барқарорлиги кўрсаткичлари

Мануал-мушакларни текшириш (ММТ) ТБ нерв-мушак аппарати функционал ҳолатининг динамикасини аниқлашда асосий баҳолаш тестларидан бири эди. Биринчи босқич охирига келиб, асосий гуруҳдаги баллар сонининг кўпайиши ($3,0 \pm 0,12$ балл) назорат гуруҳига нисбатан 8% га ($2,4 \pm 4,14$ балл); асосий гуруҳдаги иккинчи босқичда ММТ кўрсаткичлари 28,5% га ошди ($3,98 \pm 0,1$ балл) ва якуний босқич охирида бу фарқ 29,7% ни ташкил етди ($4,64 \pm 0,07$ балл). Жисмоний-тикланиш даври охирига келиб асосий гуруҳдаги ММТ $4,64 \pm 0,07$ баллни ташкил қилганлиги сабабли, ишлаб чиқилган жисмоний реабилитация дастурини қўллаш охиригача операция қилинган ТБнинг тўлиқ тикланишини аниқлатади (8-расм).



8-расм. Кузатув гуруҳларида ММТ динамикаси, балларда


Асосий гуруҳдаги проприоцепцияни вестибуляр барқарорлик ($4,43 \pm 0,17$ балл) бўйича баҳолашда, назорат гуруҳига нисбатан 32,7% сезиларли фарқ аниқланди ($6,58 \pm 0,2$ балл). Асосий гуруҳда жисмоний-тикланиш босқичининг охирига қадар соғлом оёкда ($1,64 \pm 0,03$ сония) статик мувозанатни сақлаш вақти назорат ($1,26 \pm 0,03$ сония) билан солиштирганда 24,8%; операция қилинган оёкда 21,6%га ($1,67 \pm 0,03$ сония ва $1,33 \pm 0,03$ сония) сезиларли даражада юқори бўлди. Асосий гуруҳдаги соғлом оёкдаги оғиш юзада мувозанатни сақлаш синови ($68,4 \pm 4,44$ сония) ҳам 32,5% га, операция қилинган оёкда 26,8% га ($43,26 \pm 0,56$ сония) сезиларли даражада узокроқ эди. Динамик мувозанат кўрсаткичларига кўра, асосий гуруҳда соғлом оёк устида позани ушлаб туриш вақти 25%, операция қилинган оёкда - 50% га кўпроқ (5-жадвал).

Реабилитация тадбирлари якунида кузатув гуруҳларида проприоцепция кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили

| Кўрсаткич | Назорат гуруҳи, n=36 | | Асосий гуруҳ, n=42 | | |
|--|----------------------|--------|--------------------|-------|------|
| | М | m | М | m | |
| 2 оёқда вестибуляр турғунлик тести, балл | 6,58* | 0,20 | 4,43 | 0,17 | |
| Бир оёқда статик мувозанат, сония | ЗК | 1,26* | 0,03 | 1,64 | 0,03 |
| | ОК | 1,33* | 0,03 | 1,67 | 0,03 |
| Оғиш юзасида мувозанат, сония | ЗК | 46,94* | 1,11 | 68,40 | 0,44 |
| | ОК | 32,14* | 0,63 | 43,26 | 0,56 |
| Динамик мувозанат, сония | ЗК | 20,39* | 0,46 | 27,21 | 0,36 |
| | ОК | 10,50* | 0,55 | 20,98 | 0,35 |

*Эслатма: * $p \leq 0,05$ реабилитация чораларининг 3 ойдан 6 ойгача*

Кузатув гуруҳларида тавсия этилган реабилитация дастурининг самарадорлиги натижаларининг истиқболли таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда жисмоний фаолликни чеклашнинг ўртача давомийлиги $4,5 \pm 0,34$ ой, назорат гуруҳида эса $7,8 \pm 0,78$ ой (9-расм).



9-расм. Кузатув гуруҳларида ТБ жароҳатларидан кейинги асоратларни таҳлил қилиши

